



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 18 октябрь, № 215 (9110)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



120 ЙИЛЛИК ТАРИХДА ДАВЛАТ РАҲБАРИ ИЛК БОР КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 17 октябрь куни касаба уюшмалари фаоллари ва фахрийлари билан мулоқот қилди.



Давлатимиз раҳбари ўз нутқида касаба уюшмалари ҳаракати аъзоларига ўзининг юксак ҳурмати ва эзгу тилаklarини билдирди, ҳар бир корхона ва ташкилотга ишчанлик муҳитини, меҳнат жамоаларига рағбат ва адолат руҳини олиб кираётгани учун миннатдорлик билдирди.

— Биз бугун Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида улкан марраларга интилиб, дадил қадам ташлаямиз. Дунёда геосиёсий ва иқтисодий кескинлик авж олиб бораётган ҳозирги

мураккаб даврда юртимизда тинчлик ва хотиржамликни мустаҳкамлаб, кўп миллатли халқимиз ҳаётини янада яхшилашга маҳкам бел боғлаганмиз. Бу борада меҳнаткаш ва бағрикенг халқимиз, ҳар бир юрдошимизнинг ўрни, кўшаётган ҳиссаси бекиёс, — деди Президент.

Саккиз йилда иқтисодиётимизга 130 миллиард доллар инвестиция кириб келгани, минглаб янги қувватлар ишга туширилиб, миллионлаб доимий иш ўрни яратилгани таъкидланди.

Хусусий секторга кенг йўл очилиб, одамларга муносиб меҳнат шaroити яратиб берилгани учун жон бошига даромад 3,5 минг долларга етди.

Шу билан бирга, инсон ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш, кафолатланган ижтимоий ҳимояни таъминлаш бўйича мустаҳкам қонуний асослар яратилгани таъкидланди. Янги таҳрирдаги Конституция, Меҳнат кодекси, “Аҳоли бандлиги тўғрисида” ва “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги қонунлар

қабул қилиниши бу соҳада муҳим қадам бўлди.

Ўзбекистон Халқаро меҳнат ташкилоти стандартларини қабул қилаётган энг фаол давлатлар сафидан жой олди. Саккиз йил олдин ушбу ташкилотнинг Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган ҳужжатлари сони 12 та бўлган бўлса, ҳозирги кунда 25 тага етди.

— Болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга тўлиқ барҳам бериш узоқ йиллар биз учун энг оғирлиқ масала бўлиб келган

эди. Фақат кучли ирода, қатъий позициямиз орқали биз бу мураккаб муаммони ижобий ҳал қилдик, — деди Президент. Ўзбекистоннинг болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш бўйича илғор тажрибаси Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан намуна сифатида бошқа давлатларга тавсия этилгани ҳам шундан далolat беради.

Мамлакатимиз санокли давлатлар қаторида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Адолатли ўтиш жараёнлари

учун иш ўринлари яратиш ва ижтимоий ҳимоя бўйича глобал акселератор” ташаббусида ҳамда Халқаро меҳнат ташкилотининг “Ижтимоий адолат бўйича глобал коалицияси”да қатнашмоқда, мамлакатимиз ўтган йили ушбу ташкилотнинг Маъмурий Кенгаши аъзолигига сайланди.

Бу натижаларда 8 миллионга яқин аъзоларга эга, энг халқчил ва катта нодавлат ташкилоти бўлган касаба уюшмаларининг муносиб ҳиссаси борлиги таъкидланди.

— Биз Ўзбекистонда касаба уюшмаларининг эркин ва мустақил фаолият юритиши учун барча шароитларни яратиб бердик ва мана шу принципларга ҳамisha содиқмиз. Бундан буён ҳам касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини таъминлаш, уларнинг фаолиятига аралашмаслик бўйича сиёсатни қатъий давом эттирамиз, — деди Президент.

Касаба уюшмаларининг корхона ва ташкилотларда меҳнатга оид ҳуқуқларни ҳимоя қилишдаги жонбозлиги алоҳида қайд этилди.

Кейинги йилларда 500 мингга яқин ходимларнинг қонуний ҳуқуқлари ҳимоя қилинди, уларнинг фойдасига 267 миллиард сўм ундириб берилди. Ишдаги бахтсиз ҳодисалар туфайли жабрланган 1 минг нафар ходимга 35 миллиард сўм тоvon пули тўлаб берилган. Ноҳақ бўшатишган 13 минг ходим ишга тикланган.

Касаба уюшмаларининг халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузи ортиб бормоқда. Федерация ташаббуси билан 2021 йилда Тошкент шаҳрида Марказий Осиё давлатлари касаба уюшмалари кенгаши тузилди. 2023 йилда Самарқанд шаҳрида Туркий давлатлар касаба уюшмалари ташкилотига асос солинди. Федерация ўтган йили Халқаро касаба уюшмалари конфедерациясига аъзо бўлгани унинг дунёдаги мавқеини янги босқичга олиб чиқадиган тарихий воқеа бўлди.

Учрашувда касаба уюшмалари фаолиятини янада ривожлантириш ва меҳнат муносабатларини яхшилаш бўйича галдаги вазифалар ҳам муҳокама қилинди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛЛАРИ ВА ФАХРИЙЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли дўстлар, муҳтарам меҳмонлар!

Ҳурматли касаба уюшмалари фахрийлари ва фаоллари!

Сизлар билан мана шундай самимий, кўтаринки кайфиятда кўришиб турганимдан хурсандман.

Барчангизга, касаба уюшмаларининг кўп миллионли аъзоларига ўзимнинг юксак ҳурматим ва эзгу тилакларимни билдираман. Биз бугунги кунда ўз олдимизга улкан марралар қўйиб, Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидан олдинга қараб дадил қадам ташлаямиз.

Дунёда геосиёсий ва иқтисодий кескинлик авж олиб бораётган ҳозирги мураккаб даврда юртимизда тинчлик ва хотиржамликни мустаҳкамлаб, кўп миллатли халқимиз ҳаётини янада яхшилашга маҳкам бел боғлаганмиз.

Булар, албатта, ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Қанчалик қийин бўлмасин, биргаликда қаттиқ меҳнат қилиб, турли синов ва машаққатлардан муносиб тарзда ўтиб бормоқдамиз. Бу борада меҳнаткаш ва бағрикенг халқимиз, ҳар бир юрдошимизнинг ўрни, кўшаётган ҳиссаси бекиёс, албатта.

Бугунги давримизда ўз ҳаётини инсон меҳнатини, унинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдек эзгу ишга бағишлаган, соҳада узоқ йиллар самарали хизмат қилиб, ҳурмат ва эътибор топган кўплаб одамларни кўриб турибман.

Инсон меҳнати, унинг кадр-қиммати қандай бебаҳо бойлик эканини сизлар ҳаммадан кўра яхши биласиз.

Юртимизда халқларвар, ижтимоий давлат куриш, инсон қадрини улуғлаш барча ислохотларимизнинг бош мақсадига айланган ҳозирги кунда сиз, азизларнинг бой билим ва тажрибангиз биз учун жуда муҳим.

Фурсатдан фойдаланиб, ҳар бир корхона ва ташкилотга — ишчанлик муҳитини, меҳнат жамоаларига — рағбат ва адолат руҳини олиб

кираётган касаба уюшмалари фаолларига чин дилдан миннатдорлик билдираман.

Азиз дўстлар!

Улуғ маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Бехбудий: **“Биз ўз ҳаётимизни ўзгартирмоқчи бўлсак, аввало, одамларнинг ҳақ-ҳуқуқини тан олишни ўрганишимиз керак”**, деган эди.

Бу — ҳақ гап. Чиндан ҳам, ҳуқуқ ва эркинликлар таъминланган, одамлари эмин-эркин яшаб, меҳнат қилиб, даромад топадиган мамлакатда давлат ҳам, жамият ҳам албатта ривожланади. Шу боис биз ислохотларни бошлаган илк қунлардан **“Инсон қадри учун”** деган эзгу гояни амалга ошириш учун, аввало, иқтисодий-ижтимоий соҳаларни ривожлантиришни устувор вазифа сифатида белгилаб олдик.

Бу йўлдаги сийл-ҳақатларимиз туфайли саккиз йилда иқтисодиётимизга 130 миллиард доллар инвестиция кириб келди, минглаб янги қувватлар ишга туширилди, миллионлаб доимий иш ўринлари яратилди.

Хусусий секторга кенг йўл очиб, чин юракдан ишлайман деган одамларга муносиб меҳнат шaroитини яратиб берганимиз учун жон бошига даромад 3,5 минг долларга етди.

Ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлаш, меҳнатини муҳофаза қилиш, кафолатланган ижтимоий ҳимоядан фойдаланиши учун мустаҳкам қонуний асослар яратдик. Айниқса, янгиланган Конституциямиз, янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси, “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги, “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги қонунлар қабул қилингани бу йўналишдаги муҳим қадамлар бўлди.

Парламентимиз ҳузуридаги Жамоатчилик эксперт кенгашлари таркибига касаба уюшмалари вакиллари ҳам киритилди. Бу эса қонунларни қабул қилишда ходимлар манфаати янада ишончли ҳимоя қилинишига хизмат қилмоқда.

Янги Ўзбекистонда эркин ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳам биз учун етакчи йўналиш бўлиб қолмоқда. Ижтимоий институтларни қўллаб-қувватлаш ҳамми 2017 йилга нисбатан 100 карра ошиб, бу йил 1 триллион 200 миллиард сўмга етди.

Айни вақтда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятига аралашгани, жамоатчилик назорати натижаларини кўриб чиқмагани учун жавобгарлик белгиланди.

Бир сўз билан айтганда, миллий ҳуқуқ тизимимиз халқаро стандартларга мослашиб, инсон ҳуқуқлари, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг барқарор кафолатига айланди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Халқаро меҳнат ташкилоти стандартларини қабул қилаётган энг фаол давлатлар сафидан жой олаётгани дунё ҳамжамияти томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Эътибор беринг, саккиз йил олдин ушбу ташкилотнинг Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган ҳужжатлари сони 12 та бўлган бўлса, ҳозирги кунда 25 тага етди.

Ҳар бир ратификация орқали Ўзбекистон ўз зиммасига катта мажбурият олмоқда.

Нима учун ҳеч иккиланмасдан ўзимизга бундай улкан масъулиятни оляпмиз?

Чунки барча ислохотларимиз замирида инсон қадрини улуғлаш мужассамдир. Ва бу — мамлакатимиз қўшилаётган халқаро ҳужжатлар мазмуни билан тўла ҳамоҳангдир.

Айнан инсон қадрига эътибор — барча ютуқларимиз асоси, десак, ҳақиқатни айтган бўламиз!

Қадрли дўстлар!

Бир эслаб кўринг, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга тўлиқ барҳам бериш узоқ йиллар биз учун энг оғирлиқ масала бўлиб келган эди. Фақат кучли ирода, қатъий позициямиз орқали биз бу мураккаб муаммони ижобий ҳал қилдик.

Янги Ўзбекистоннинг инсонпарварлик таъминлари содиқ эканини кўрсатадиган бу

ўзгариш ижтимоий ҳаётимизда мутлақо янги саҳифа очмоқда. Мамлакатимизнинг болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш бўйича илғор тажрибаси Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан намуна сифатида бошқа давлатларга тавсия этилгани ҳам шундан далolat беради.

Ўзбек пахтаси дунёдаги кўплаб нуфузли бренд компанияларнинг “қора рўйхати”дан чиқарилди. “Cotton campaign” ташкилоти Ўзбекистонга қўйилган таққини бутунлай бекор қилди. Европа Иттифоқи Ўзбекистонга ушбу сиёсий тузилма давлатлари бозорига имтиёзли кириб бориш имконини берадиган “GSP+” тизимини тақдим этди. Миллий маҳсулотларимиз учун 26 та янги бозор очилди, Европага экспортимиз 5 карра ошиб, 1,5 миллиард долларга етди.

Илгари бундай рақамларни орав ҳам қилолмас эдик. Бугун бу ишлар дароз этмоқда. Масалан, кейинги ҳафтада Европа Иттифоқи билан Кенгайтирилган ҳамкорлик ва шериклиқ тўғрисидаги битимга имзо чекамиз. Бу — ташқи сиёсат, хавфсизлик, коррупция, терроризмга қарши курашиш ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни мустаҳкамлаш билан бирга, Европа давлатлари ҳамда мамлакатимиз ўртасида инвестиция ва савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Биз эришаётган ютуқлар халқаро миқёсда муносиб эътироф этилаётгани барчамизга мамнуният бағишлайди.

Ўзбекистон санокли давлатлар қаторида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Адолатли ўтиш жараёнлари учун иш ўринлари яратиш ва ижтимоий ҳимоя бўйича глобал акселератор” ташаббусида иштирок этмоқда; Халқаро меҳнат ташкилотининг “Ижтимоий адолат бўйича глобал коалицияси”да қатнашмоқда; мамлакатимиз ўтган йили ушбу ташкилотнинг Маъмурий кенгаши аъзолигига сайланди.

Халқаро майдонда Ватанимизга бўлган ҳур-

мат ва ишонч тобора ортиб, дунёнинг барча минтақаларида дўстларимиз, ҳамкорларимиз кўпаймоқда.

Буларнинг барчаси ислохотларимизга катта ишонч ва эътироф ифодаси эмасми?

Фурсатдан фойдаланиб, ана шу масалалар бўйича биз билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келаётган Халқаро меҳнат ташкилоти ва бошқа нуфузли тузилмаларга миннатдорлик билдираман.

Ҳеч шубҳасиз, биз эришаётган натижаларда 8 миллионга яқин аъзога эга, энг халқчил ва катта нодавлат ташкилоти бўлган касаба уюшмаларининг муносиб ҳиссаси бор.

Биз Ўзбекистонда касаба уюшмаларининг эркин ва мустақил фаолият юритиши учун барча шароитларни яратиб бердик ва мана шу принципларга ҳамisha содиқмиз. Касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини таъминлаш, уларнинг фаолиятига аралашмаслик бўйича сиёсатни бундан буён ҳам қатъий давом эттирамиз.

Шу ўринда касаба уюшмаларининг корхона ва ташкилотларда меҳнатга оид ҳуқуқларни ҳимоя қилишдаги жонбозлиги алоҳида эътирофга сазовор. Бунга кейинги йилларда 500 мингга яқин ходимнинг қонуний ҳуқуқлари ҳимоя қилиниб, уларнинг фойдасига 267 миллиард сўм ундириб берилгани ҳам тасдиқлайди. Шунингдек, ишдаги бахтсиз ҳодисалар туфайли жабрланган 1 минг нафар ходимга 35 миллиард сўм тоvon пули тўлаб берилган. Бундан ташқари, ноҳақ бўшатишган 13 минг ходим ишга тикланган.

Тўрт йил олдин сизларнинг ташаббусингиз билан илк бор Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академиясини ташкил этдик. Бу касаба уюшмалари фаолиятида янги йўналиш бўлди.

Ишончим комил, олийгоҳ битирувчилари корхона ва ташкилотларда меҳнат ҳуқуқлари ҳимоячисига айланиб, бу соҳада қонунийликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшади.



2030 йилда мис хомашёсини биржа савдоларига чиқариш ҳажмини 225 минг тоннага етказиш кўзда тутилган.

